**Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун**

**21/22 -сонли ШАРТНОМА**

Навоий ш. 17 июн 2022 йил

Бир томондан **Буюртмачи** деб аталиб, Низом асосида иш кўрадиган **"Учқудуқ туман ободонлаштириш бошқармаси" директори Хасанов Ф.М.** ва иккинчи томондан **Бажарувчи** деб аталиб, Низом асосида иш кўрадиган **"Навоиййўллойиҳа" МЧЖ** директори **Жураев Н.Б.** ўртасида қуйидагилар ҳақида шартнома тузишди.

**1.Шартнома мазмуни**

1.1. **Буюртмачи** қуйидаги ишларни топширади, бажарувчи эса бажаришни ўз зиммасига олади:

**Учқудуқ туман Ободонлаштириш бошқармасига қарашли Учқудуқ шаҳар ички йўлларини капитал таъмирлаш учун лойиҳа смета ҳужжатлари тайёрлаш.**

1.2. Бажарилган ишлар "Навоий минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати" ДУКни etender.uzex харид танлов комиссиясининг 14 июн 2022 йилдаги - электрон баённомаси мазкур шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланадиган ва техник топшириққа асосан амалга оширади.

1.3. Шартномада лойиҳа-смета ҳужжатларини техник шартларни (АПЗ) тайёрлаш билан боғлиқ бошқа ишлар харажатлари кўзда тутилмаган

1.4. Ишнинг бошланиши - Шартнома имзоланган кундан бошлаб

Ишнинг тугалланиши – 15 кун муддатда.

**2. Шартнома баҳоси ва ҳисоб-китоб қилиш тартиби**

2.1. **Мазкур шартнома бўйича ишларнинг умумий қиймати ҚҚС билан 39 800 000 (Ўттиз тўққиз миллион саккиз юз минг) сўмни ташкил этади.**

2.2. Буюртмачи ушбу шартнома вилоят Ғазначилигидан рўйхатдан ўтказилиб тегишли ҳисоб-рақамга маблағ тушгандан сўнг 5 банк иш кун мобайнида шартнома баҳосининг 30% миқдорида аванс тўловини амалга оширади.

2.3. Буюртмачи ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномалари орқали ишларни қабул қилиб олингандан сўнг қолган 70% миқдоридаги пул маблағлари ғазначилик бошқармаси махсус ҳисоб рақамига пул келиб тушгандан сўнг 5 банк кун ичида тўлаб бериш мажбуриятини олади.

**3. Томонларнинг мажбурияти**

**3.1.** Бажарувчи ишларни топшириқ, бошқа дастлабки маълумотлар ва келишилган график асосида ўз вақтида бажаришни ўз зиммасига олади.

3.2. **Бажарувчи** лойиҳа-смета смета ҳужжатларини буюртмачига расмий топширган кундан бошлаб 30 иш куни мобайнида лойиҳа-смета ҳужжатлари юзасидан буюртмачи эътирозларини қабул қилади.

3.3. **Бажарувчи** ўз мажбуриятларини сифатсиз ва камчиликлар билан бажарса ушбу камчиликларни бартараф этиб, бир хафта муддат ичида сифат даражасида қайтадан ишларни бажариб беради.

3.4. **Буюртмачи** шартномада кўзда тутилган шартлар ва тартиблар асосида тўловни ўз вақтида амалга оширишни ўз зиммасига олади.

3.5. **Буюртмачи** ишларнинг шартномада кўрсатилган ҳажм ва шартларга мувофиқ бажарилишида ёрдам кўрсатиш, **Бажарувчи** билан бажарилган ишларнинг натижаларини келишиш, ишларни амалга ошириш учун зарур бўлган бирламчи маълумотлар ва материалларни тақдим қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

3.6. **Буюртмачининг** розилигисиз шартнома бўйича бажарилган ишларни учинчи шахсга бермаслик ва ундаги маълумотни тарқатмаслик бўйича мажбуриятни бажариш шарт.

**4. Ишларни топшириш ва қабул қилиш тартиби**

4.1. Бажарилган ишларни топшириш ва қабул қилиш техник топшириқ талабларига биноан белгиланади.

4.2. Ишлар тугагандан сўнг **Бажарувчи Буюртмачи**га ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси билан техник топшириқда кўзда тутилган ҳужжатлар тўпламини топширади.

4.3. **Буюртмачи** ишларни қабул қилмаслигининг асосли рад жавобини берган ҳолда зарур бўлган қўшимча ишларнинг рўйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини кўрсатган ҳолда, икки томонлама далолатнома тузилади.

4.4. Агар ишларни бажарилиш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса, томонлар 5 кун муддат ичида уни тўхтатиш тўғрисида бир-бирини хабардор қилиши ва 15 кун ичида ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт. Ишларнинг тўхтатилиши томонлар учун Ўзбекистон Республикаси Фуқаролар кодексида кўзда тутилган оқибатлар ва жавобгарликка олиб келади.

4.5. Томонлардан бири мазкур шартномада кўзда тутилган ишларни тўхтатиш тўғрисида ёзма хабар берган вақт ўзаро ҳисоб-китоб қилиш вақти ҳисобланади.

## 5. Конфиденциал маълумотларни ҳимоялаш

5.1. Ишлар бажарилиши даврида Бажарувчи ўзи конфиденциал ҳисобланадиган маълумотлар ишлаб чиққан ёки уларни Буюртмачидан олган ҳолларда уларни ҳимоялаш, ошкор бўлишини олдини олиш мақсадида тегишли тадбир ва чоралар кўради.

## 6. Қўшимча шартлар

6.1. **Бажарувчи** Лойиҳани муддатидан олдин бажарган ҳолда, Буюртмачи уни қабул қилиш ҳуқуқига эга.

6.2. Ўзаро мулоқот йўли билан ҳал қилинмаган муаммолар қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда ҳал қилинади.

6.3. Шартномага томонлар розилиги асосида, ёзма равишда ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

6.4. **Бажарувчи** мазкур шартномада кўзда тутилган ишларни бажариш учун учинчи шахсларни жалб қилиш ҳуқуқига эга.

6.5. Мазкур шартнома бўйича низо келиб чиққан ҳолларда, томонлар келишувга эришмаган тақдирда, қонунларда белгиланган тадбирда ва хўжалик судларида ҳал қилинади.

6.6. **Буюртмачи** томонидан дастлабки тўлов ва ишларни топширилганда шартлашилган ҳақи кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 10 фоизидан ошмаслиги лозим.

6.7. **Бажарувчи** томонидан бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар **Буюртмачига** муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун ишларнинг умумий қийматининг 0,1 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси шартнома қийматининг 10 фоизидан ошмаслиги лозим.

6.8.Тўланган пеня ёки жарималар томонларни ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

6.9. Ушбу шартнома ўзбек тилида икки нусхада тузилди.

## 7. Шартноманинг амал қилиш муддати.

7.1 Ушбу шартнома имзоланиб расмийлаштирилган кундан бошлаб юридик кучга киради.

7.2 Шартноманинг амал қилиш муддати шартнома имзоланиб расмийлаштирилган кундан бошлаб 31 декабрь 2022 йилгача.

7.3. **Бажарувчига** бажарилган ишлари учун шартноманинг амал қилиш муддати тугагунга қадар **Буюртмачи** томонидан тулов миқдори амалга оширилмаган тақдирда (камида олдиндан тўланадиган 30% аванс тулови амалга оширилмаса) шартнома бекор қилинган деб ҳисобланиб, шартномани рўйхатга олиш ҳисобидан чиқарилади.

7.4.Ишларни давом эттириш зарурияти туғилганда **Буюртмачи** томонидан қайтадан ишларни давом эттириш бўйича берилган техник топшириғи ёки хатига асосан ушбу шартномага қўшимча келишув шартномаси тузиш орқали ишларни давом эттириш мумкин.

## 8. Томонларнинг манзили ва ҳисоб рақамлари:

| «БАЖАРУВЧИ» | «БУЮРТМАЧИ» |
|---|---|
| **«Навоиййўллойиҳа» масъулияти чекланган жамияти** | **Покупатель: "Учкудук туман ободонлаштириш бошкармаси"** |
| Навоий ш. Навоий кўчаси -18 уй<br>Тел: 220-13-47, факс: 220-13-48<br>ИНН: 200003124<br>Ҳ/р: 20 208 000 700 356 321 001<br>ДАТ Асака банк Навоий шаҳар бўлими<br>МФО: 00206 . ОКОНХ: 66000 | Манзил: Учқудук шаҳар ҳокимлиги биноси<br>Тел.<br>ИНН: 206 908 433 МФО:<br>Х/р: 40012286018224 970[illegible]5200110001 |
| **Директор:** **Н.Б.Жураев** | **Директор:** **Хасанов Ф.М.** |

NAVOIY YO'LLOYIHA

Бажарилган ишларни топшириш ва қабул қилиш тўғрисида

"_______" ________________2022 йилдаги 21/22 сонли

## ДАЛОЛАТНОМА

*Биз* қуйида имзо қўювчилар, мазкур далолатномани тайёрлаганлиги тўғрисида тузилди: "Учқудуқ тумани ободонлаштириш бошқармаси" ҳамда "НавоийЙўллойиҳа" масъулияти чекланган жамияти ўртасида тузилган 2022 йилдаги 21/22- сонли шартномага асосан Учқудуқ туман Ободонлаштириш бошқармасига қарашли Учқудуқ шаҳар ички йўлларини капитал таъмирлаш учун лойиҳа смета ҳужжатлари тайёрлаш ишларининг тайёрлиги тўғрисида тузилди.

| № | Бажарилган ишлар (кўрсатилган хизматлар) | Ўлчов бирлик (смета бахоси) | Бажарилган | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | Иш бошидан | Йил бошидан | Шу жумладан 2022 йил ______ ойига |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
| 1 | Смета ҳужжатлари | 34 608 695,65 | 34 608 695,65 | 34 608 695,65 | 34 608 695,65 |
| | ҚҚС 15% | 5 191 304,35 | 5 191 304,35 | 5 191 304,35 | 5 191 304,35 |
| | Акциз солиғи - йўқ | 0 | 0 | 0 | 0 |
| | **Жами:** | **39 800 000,00** | **39 800 000,00** | **39 800 000,00** | **39 800 000,00** |

**Жами бажарилган ишлар : 39 800 000 (Ўттиз тўққиз миллион саккиз юз минг) сўм 00 тийин.**

**Бажарувчи**

Ташкилот раҳбари

______________________ И.Б.Жўраев

(имзо)

Бош муҳандис

______________________ И.Б.Жабборов

(имзо)

М.у.

**Буюртмачи:**

Қабул қилувчи масъул шахс

______________________

(имзо)

М.у.

URO.GOV.UZ тизими орқали ЭРИ билан тасдиқланган, Хужжат коди: EV6766051231

# YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

JL 35622017

**1.Loyihaning turi**

Shartnoma.

**2. Loyihaning nomi**

Haq evaziga xizmat ko'rsatish № 21/22

**3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot**

Uchquduq tuman Obodonlashtirish boshqarmasi. 17.06.2022 yil.

XULOSA

Ushbu Uchquduq tuman Obodonlashtirish boshqarmasi bilan "Navoiyyo'lloyiha" MCHJ o'zaro Uchquduq tumani ichki yo'llarni ta'mirkash va rekanstruksiya ishlarini olib boorish uchen loyiha smetalarini ishlab chiqish hamda tayorlash bo'yicha tuzgan shartnoma loyihasi O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksining 38-bob, 703–708-moddalariga talablariga va amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiqligi haqida xulosa berildi.

**Yuridik xizmat ko'rsatish markazi boshlig'i:**

U.To'raev
17.06.04.2022 yil.